



Т О Ш К Е Н Т О Қ Ш О М И

2010 йил 18 МАЙ, СЕШАНБА

XXI с а д о с и
аср
БАРЧА МАНБАЛАРДАН
ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 95 (11.656)

Баҳоси эркин нарҳда

Инсон орзу-умидлар билан яшайди. Ҳаёт босқичларидан ўтган сари унинг кўплаб орзулари мақсадга айланади. Айнан шу мақсадлар шахс сифатида шаклланган инсонни фақат олдинга ҳаракатланишга ундаб боради.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Имкониятлар яратилаётганининг гувоҳимиз. Мамлакатимиз Президенти ташаббуси билан татбиқ эти-

Тошкентда Дастурчиларнинг йиллик миллий анжумани бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон софтвер саноати, қатор етакчи хорижий компаниялар мутахассислари ва экспертлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Тадбир Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон IT-корхоналари ва ташкилотлари уюшмаси, «Microsoft» корпорацияси ва БМТ Тараққиёт дастурининг «АКТ сис-теми» (ICTP) лойиҳаси кўмағида ташкил этилди.

Анжуманда Президентимиз Ислам Каримовнинг 2005 йил 8 июлда қабул қилинган «Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда Компью-

танлови ўтказилмоқда. Бу эса мамлакатимизда софтвер маҳсулотлари бозорининг сон ва сифат жиҳатидан ўсиши учун муҳим асос бўлиб хизмат қилаётган. Дастурий таъминот ишлаб чиқарадиган корхоналар сони йил сайин кўпаймоқда, дастурий маҳсулотлар бозори кўлами ва лицензияли дастурий таъминотдан фойдаланиш даражаси ошмоқда. Айни дамда сертификатга эга дастурчилар сони ҳам кўпаймоқда. Ёш дастурчиларнинг ихтисослаштирилган маркази са-

ЎЗБЕКИСТОН ДАСТУРЧИЛАРИ ФОРУМИ

терлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастурига кўра, АКТ соҳасида устувор стратегик йўналишларни амалиётга татбиқ этиш, жумладан, мамлакатимизда дастурий маҳсулотлар бозорини ривожлантириш бўйича амалий чора-тадбирлар белгилангани таъкидланди.

Мазкур тадбирнинг 17 май – Халқаро электр алоқа уюшмаси томонидан белгиланган Халқаро ахборот жамияти кунида ўтказилиши ҳам мамлакатимизнинг ушбу халқаро ташаббусга ўзига хос ҳисса қўшаётганидан далолатдир.

Мамлакатимизда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг жадал суръатлар билан ривожланиб бораётганини куйидаги маълумотлар ҳам тасдиқлайди. Хозирги пайтда республикамизнинг барча шаҳар ва туман алоқа тармоқлари рақамлаштирилди, аҳоли, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларга халқаро телефон алоқаси ва маълумот узатиш бўйича юқори сифатли хизмат кўрсатилмоқда. Замонавий АКТлар амалиётга жорий қилиниб, Интернетдан фойдаланувчилар ва мобил алоқа компаниялари абонентларининг сони тобора ошиб бормоқда. Давлат идоралари ва хўжалик субъектлари ўз фаолиятига АКТ дан фойдаланишга асосланган юқори технологияли компьютер ускуналарини татбиқ қилмоқда. Буларнинг барчаси замонавий дастурий таъминотни талаб этади.

Софтвер саноати юртимизда ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Президентимиз ташаббуси билан дастурий маҳсулотлар яратилишига ихтисослашган корхоналар учун муайян солиқ имтиёзлари белгиланган бўлиб, улар бир неча йилдан буён амал қилиб келмоқда. Республикаимиз миқёсида ҳар йили энг яхши миллий дастурий маҳсулотлар

марали фаолият юритиб келмоқда. Халқаро аутсорсинг тизимида миллий софтвер маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг маъвоке тобора ошиб бораётгани ижобий омил бўлмоқда.

Ушбу миллий форумда дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш соҳасидаги етакчи мутахассислар тўпланди. Унда халқаро ва миллий IT-компанияларнинг ишлаб чиқарувчилари, интеграторлари, контент-ишлаб чиқувчилари, хизматлар провайдерлари ҳамда илмий-маърифий муассасалар, вазирлик ва идоралар вакиллари қатнашди. Улар соҳадаги сўнги ютуқлар ҳақида маълумот бериб, ўзаро тажриба алмашди. Форум доирасида маҳорат дарслари, тақдиротлар ва маърифий семинарлар ўтказилди. Секция мажлисларида бизнес-жамияти вакиллари ва кенг аҳоли қатлами учун мўлжалланган мамлакатимиз дастурий таъминотининг мавжуд ва истиқболли ютуқлари намойиш этилди.

Иштирокчилар компьютер қароқчилиги, маълумотларни химоялаш, дастурий таъминот ишлаб чиқувчиларнинг давлат идоралари билан ўзаро ҳамкорлиги, замонавий технологияларни қўллаш, дастурлаш тиллари, турли жараёнларни автоматлаштириш ва бошқа масалаларни муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон ахборот технологиялари корхоналари ва ташкилотлари уюшмасининг ижрочи директори Илҳом Абдуллоевнинг айтишича, анжуманда илмий-тадқиқот натижаларига асосланган миллий софтвер саноатини янада ривожлантириш бўйича таъминот соҳасидаги энг сўнги инновацион ишланмалар ҳамлағанидан ихтисослаштирилган технопарк ташкил этиш мўлжалланмоқда.

В.НИКОЛАЕВ,
ЎЗА муҳбири

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Самарқандда хотин-қизлар кўмиталари фаолиятини янада кучайтириш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш борасидаги ишларни тақомиллаштириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

● Кеча Тошкентдаги Алоқа тарихи музейида компьютер дастурчиларининг миллий форуми ва кўргазмаси иш бошлади. Юртимиз ва хориж софтвер саноатининг энг етакчи мутахассисларини жалб қилаётган «Best Soft Uzbekistan-2010» кўргазма-форумида ёш истиқболли компьютер дастурчиларини кашф этиш, халқаро тажрибаларни ўрганиш ҳамда улардан самарали фойдаланиш, хорижий ҳамкорлар билан битимлар тузиш кўзда тутилган.

● Тошкент Фотосуратлар уйида Ўзбекистон ва Жанубий Корея мусавирларининг анъанавий X бадий кўргазмаси ташкил этилди.

● Тошкентда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти босма оммавий ахборот воситаларида фаолият кўрсатаётган ёш журналистларнинг марказий нашрларда малака оширишига бағишланган лойиҳа бошланди.

● Тошкент тумани тиббиёт бirlашмасида полиомиелитга қарши Миллий эмлаш кунларининг очилиш маросими ўтказилди.

● Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети қошидаги 1-академик лицейда умумтаълим мактаблари битирувчилари учун «Мутахассислик — сенинг келажагиндир» деб номланган касблар фестивали бўлиб ўтди.

● Самарқанд вилояти Нуробод тумани марказида «Самарқанддон» акциядорлик жамиятига қарашли «Wachtel» иссиқ нон корхонаси иш бошлади. 22 та янги иш ўрни яратилган мазкур корхонада бир кеча кундузда икки минг донадан зиёд нон ишлаб чиқарилмоқда. Германиядан келтирилган ускуналар билан жиҳозланган цехларда нон ва нон маҳсулотларидан ташқари қандолат маҳсулотлари, шунингдек, бир неча турдаги ширинликлар ҳам тайёрланмоқда.

ЖАҲОНДА

● Миср парламенти мамлакатда 29 йилдан бери амалда бўлган фавкулодда ҳолатни бекор қилди. Фақат терроризм ва уюшган жиноятчилик билан боғлиқ айрим ҳоллардагина икки йил давомида фавкулодда ҳолат жорий этиш мумкин. Терроризмга қарши кураш тўғрисидаги қонун кучга киргандан сўнггина мамлакатда фавкулодда ҳолат бутунлай бекор қилинади.

● Евроҳудуд мамлакатлари молия вазирилари Испания ва Португалия ҳукуматлари томонидан бюджет-молия соҳаларини барқарорлаштириш бўйича қўлланилаётган янги чораларни маъқуллашди.

● БМТ Бош қотиби Пан Ги Мун Таиландда юзага келган қалтис вазиятни муаммони бартараф этиш учун ҳукумат ва муҳолифатни сиёсий музокаралар ўтказишга чақирди.

● Кеча Эрон, Туркия ва Бразилия ўртасида ядро ёнилғисини айирбошлаш юзасидан келишув имзоланди. Унга кўра Эрон Туркияга 1200 килограмм микродорида кам бойитилган уранин етказиб бериб, 120 килограмм юқори даражада бойитилган ёнилғини реакторларда қўллаш учун қайтариб олади. Яъни Эроннинг ядро хом ашёси бошқа давлатда бойитилмайдиган бўлди.

● Кеча Гаити маъмурулари жорий йил январь ойида рўй берган кучли zilзила пайтида мамлакат чегараси атрофида 30 нафар болани ноқонуний тарзда олиб кетмоқчи бўлган 12 нафар миссионернинг охиригисини озод қилишди.

● Кеча Афғонистон пойтахтидан 100 километрча нарироқда Кундуз-Кобул рейсини амалга ошираётган бортида 40 киши бўлган «Памир» хусусий авиакомпаниясига қарашли АН-24 русумли самолёт ҳалокатга учради. Мазкур авиаҳалокатга қуюқ туман тушиши сабаб бўлганлиги айтилмоқда. Ҳозирда самолётни қидириш ишлари кетмоқда.

● «Forbes» журнали жаҳоннинг энг қimmat футбол клублари номини эълон қилди. Ушбу ўзига хос рейтинг кўрсаткичида Англиянинг «Манчестер Юнайтед» жамоаси етакчилик қилмоқда. Мадриднинг «Реал» ҳамда Англиянинг «Арсенал» клублари кейинги ўринларни эгаллаб туришибди.

Ижтимоий лойиҳалар КУЧ — БИЛИМ ВА ТАФАКУРДА

ундаётган ҳаёт фалсафасидир. Шундай экан, «Тенгдошим қила олган хўнарни мен ҳам ундайлайман», «Харакат қилсам, мен ҳам шу даражага етишаман», деган ниятда тўғрақларга аъзо бўлган болажонлар айни кунларда орзулар оғушидан бироз чекланиб, аста-секин мақсад сари интилишни бошлаган бўлса, ажаб эмас.

— Ҳақиқатан ҳам, биз, катталарга фарзандларимизнинг ютуқларга эришавтган тенгқурларига ўхшаган, ҳаттоки янада яхшироқ натижалар кўрсатишга интилишни маълум. Болалар ўсириликка ўтиш даврини атроф-муҳитга таъсирчан бўлиб, баъзида оғир ва қийинчиликлар билан енгиз ўтади. Шу боис бундай пайтларда уларни кўпроқ ижодий таъсиротлар кўрсатишга бўлишга, фақат яхши нарсаларни ўзига қабул қилиши учун шароит яратишга ҳаракат қилишни беш зарур, — дейди Халқ таълими беш бошқармаси бошлиғи в.б. Наргиза Раҳмонқуллова. — Кейинги йиллар давомида ёш авлод истиқболли, унинг ҳар томонлама ривожланиши учун илчил давлат сиёсати амалга оширилиб, чексиз

лаётган «Баркамол авлод йили» Давлат дастури барча таълим муассасалари, хусусан, таълим-тарбия тизими бошланғич бўғинининг асосий фаолият дастурига айланган улгурди. Мактабгача таълим муассасаси ва мактабдан бошлаб ўқув дастурларини ўзлаштириши баробарида болаларни табиий улғайишга ҳалақит қилмаган ҳолда тасаввур орқали ёки атрофдан кўчирган ҳолда у ёки бу нарсани ихтиро қилишга, масалан, расм чизиш, тикшиш, ёғочдан ўйиб исшас каби кўника орттиришга ўргатиш зарур. Бунинг учун меҳнат дарсларидан ташқари, мактабларда мингга яқин турли қизиқишлар бўйича тўғрақлар, халқ таълими тизими тасарруфида 94 та мактабгача таълим муассасаси — ижодий, техника, спорт, мусиқа ва санъат, ахборот-ресурс марказлари фаолият юритади. Бугунги кунда уларга 78 мингдан зиёд ўғил-қизларимиз қамраб олинган. Мактабларда 300 мингдан зиёд бола тахсил олаётган асосий қисми мактаб қошидаги тўғрақларда машғул бўлаётди. Шундай бўлса-да,

ли ўтишни таъминлаш масаласи ўқитувчиларнинг ва албатта ота-оналарнинг биринчи галдаги вазифасидир. Утган йили ўтказилган кўргазма тажрибаси аввалдан сўровнома ўтказиш зарурлигини тақозо этди. 5-8-синф ўқувчилари ўртасида ўтказилган сўровнома шуни кўрсатдики, уларнинг 30 мингдан зиёди ўз қизиқишини амалда ҳали синиб кўрмаган. Галдаги кўргазмада биринчи навбатда айнан шу болалар учун ижодий ёт марказлари ва спорт мажмуаларининг имконияти билан яқиндан танишиш шароити яратилди. Натижа эса, ўйлаيمизки, қоникарли: турли тўғрақларга ёзилган деворли 18 мингга яқин ўқувчи машғулотларга қатнашишни бошлади. Шуни ҳам эслатиб ўтиш жоизки, тўғрақлар фаолияти билан танишиш марафони 25 майга қадар ҳар бир туман ва ҳар бир мактаб миқёсида давом этади. Яқиний натижалар таҳлили эса шаҳар вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия кун тартибиде қўриб чиқилади.

(Давоми 2-бетда).

ҲАЁТ БИЛАН ҲАМНАФАСЛИК

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари ва журналистлар фаол фуқаролик позициясининг аҳамиятига бағишланган конференция бўлиб ўтди.

оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси Фирдавс Абдуҳолиқов, Маънавият тарғибот маркази раҳбари Минҳожиддин Мирзо Президентимиз Ислам Каримов раҳнамли-

гида юртимизда миллий журналистика-ни изчил раванқ топтириш жараҳида нодавлат босма ва электрон оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш, уларни янада ривожлантириш масаласи-

ҳамкорлигида талабалар, ўқитувчилар иштирокида «Тошкент — Буюқ Ипак йўли чорраҳасида» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

«ОЙМОМА» маданият ва истироҳат боғида имконияти чекланган болалар ва ўсириллар ўртасида «Мафтункор ранглар олами» расмлар кўрик-танловининг Собир Раҳимов тумани босқичи ўтказилди.

КЕЧА Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида «Камолот» ЁИХ туман бўлими ҳамкорлигида «Ватан, дўстлик, халқпарварлик учун» шиори остида маънавий-маърифий тадбир уюштирилди.

ҚИСКА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарлариди.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** тарихи Давлат музейида «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент Давлат педагогика университети



(Давоми. Боши 1-бетда).

Вояга етмаганларнинг бўш вақтини хайрли ишларга йўналтириш масаласига масъул бўлган прокуратура...

шгулотлар жорий этилган. Аммо санокли мактабга махсус маҳом берилган бўлиб...

каби тажриба алмашувлари кўзда тутилмоқда. Халқроқ таълим муассасалари билан ҳамкорлик...

КУЧ — БИЛИМ ВА ТАФАККУРДА

лишлар бўйича дарслар киритилган. Со бир Раҳимов туманидаги 326-махсус мактабда...

Ёз пайтида ушбу тумандаги 22 та мактабда турли йўналишлар бўйича тўғрақларни ўз ичига олган соғломлаштириш...

Мирзо Улугбек туманидаги 112-мактаб томонидан тавсия этилган немис тилини ўрганиш лойиҳаси ҳам кўпчиликда қизиқиш уйғотди...

— Менинг кўл остида ижоддан таҳсил олаётган Зарина, Артур, Ҳожиқабар, Меҳриё, Влада, Нигина каби киркча яқин тўрт ёшдан ўн бир ёшгача бўлган болажонлар...

Мазкур таълим муассасаси кўмагида мактабимизда лингвон ускуналари, барча зарур техник воситалар, ўқув адабиётлари билан жиҳозланган алоҳида бир марказ яратилди...

Бундан келиб чиқиб, мулкчиликнинг давлат, жамоа, ҳиссадорлик турлари билан бир қаторда хусусий мулкчиликка ҳам йўл очилди...

ли. Масалан, Зарина Қосимҳўжаеванинг Ўзбекистон Бадий академияси томонидан ташкил этилган «Камалак — 2010» кўрик-танловига муваффақиятли қатнашгани албатта мен учун ҳам бахт, ҳам гурурдир.

Саккиз ёшли Отабек Калоновнинг шахар ижодиёт марказига қатнаётганига унча кўп вақт ўтмаган бўлса-да, аммо у ушбу танловнинг махсус дипломига сазовор бўлди.

— Биз етук шахсни тарбиялаш ҳақида кўп гапиралимиз. Буни айнан болалик чоғидан, чамаси уч ёшдан, атроф-муҳитни илк илғаётган пайтдан бошлаш керак...

— Дарҳақиқат, шундай, — дейди вояга етмаганлар ишлари бўйича шаҳар комиссиясининг масъул котиби Мадамин Умаров...

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА
Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар

Ўзбекистон Журналистлари ИЖОДИЙ УЮШМАСИНИНГ «ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ — 2009» ТАНЛОВИ ДАВОМ ЭТАДИ

Ўзбекистонда демократик тараққиёт ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда...

Бу йил фарзандларимизнинг жисмонан ва маънан соғлом, давр талабига мос интеллектуал билим ва ихтисосга эга бўлган замонавий инсонлар бўлиб вояга етишларини таъминлашга қаратилган эзгу мақсад йўлида улкан ҳаракат бошланди.

Халқимизнинг эришаётган бу ютуқлари, олижаноб мақсад ва сазй-ҳаракатларини кенг ёритишда оммавий ахборот воситаларида фаолият кўрсатаётган сиз, журналистларнинг хизматларингиз катта.

Азиз ҳамкасблар, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси сизларни «Йилнинг энг фаол журналисти» аънъанавий танловида қатнашишга таклиф этади. Танловга 2009 йилнинг 1 июнидан 2010 йилнинг 1 июнигача газета ва журналларда, интернет нашрларида эълон қилинган материаллар, эфирга узатилган телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар қабул қилинади.

Материаллар танловга таҳририят тавсияси билан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўлимлари орқали жорий йилнинг 5 июнигача тақдим этилади.

Ижодий ишлар намуналари билан биргаликда муаллифнинг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилиниши шарт.

«Йилнинг энг фаол журналисти — 2009» танлови ғолиблари ва совриндорларига диплом ҳамда қimmatбахо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишлаб 27 июнда ўтказиладиган байрам тадбирида топширилади. Тақдирланганлар рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Материаллар «Йилнинг энг фаол журналисти — 2009» танловида деб юрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри,
Навобий кўчаси, 30-уй.
Ўзбекистон Журналистлари
Ижодий уюшмаси
3-қават, 30-, 35-, 37-хоналар
Телефонлар: 244-64-61;
244-64-62; 244-37-87.
www.Journalist.uz

ҲАЁТ БИЛАН ҲАМНАФАСЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бугунги тезкор давр миллий журналистика, жумладан, нодавлат оммавий ахборот воситаларининг сифати ва таъсирчанлигини ошириш, юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг аҳамияти, мазмун-моҳиятини, хорижда содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларни янада фаолроқ ёритиш баробарида юқори билим ва кўникма, Ватан тақдири учун дахлдорлик, мустақам ирода, қатъий ва фаол фуқаролик позициясига эга бўлишни ҳам талаб этади.

Конференцияда оммавий ахборот воситаларига оид амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш, қонунийлик тамойилларига риоя этиш, эфир дастурларининг мазмундорлиги ва сифатини ошириш, нодавлат телерадиостанциялар эфир дастурлари таҳлили, маънавий-маърифий ва ижтимоий, мусиқий мавзудаги дастурларни тайёрлаш, эфирга узатишда эътибор қаратилиши зарур масалаларга оид маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА МУХБИРИ

ҲАЙЪАТ ЙИФИЛИШИ

Республика давлат солиқ қўмитаси ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика солиқ органлари тизimini янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» ҳамда «Дехқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси раёсатининг 2010 йил 4 майдаги мажлисида белгиланган вазифалар ижросига қаратилди.

Шунингдек, Президентимизнинг «Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг «Молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида»ги қарорлари ижроси Қорақалпоғистон Республикаси ва айрим вилоятлар мисолида кўриб чиқилди. Соҳада йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш жўзасидан мутасадди раҳбарларнинг ҳисоботлари, таклиф-мулоҳазалари тингланди. Шунингдек, жорий йил якунига қадар вазифалар белгилаб олинди.

Наргиза АСАДОВА,
«Туркистон-пресс»

Шундан келиб чиқиб, мулкчиликнинг давлат, жамоа, ҳиссадорлик турлари билан бир қаторда хусусий мулкчиликка ҳам йўл очилди. Хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқий ҳолати бошқа мулк эгаларининг ҳуқуқий ҳолати билан тенглаштирилди ва дахлсизлиги қафолатланди. Шу ўринда давлат ва жамият ҳаётида юз бераётган кўплаб ислохотлар ва ўзгаришлар шароитида юридик хизмат керакми, деган саволнинг тугилиши табиийдир.

Бозор инфратузилмасини шакллантириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариб, хусусийлаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш каби жараёнлар мураккаб ҳуқуқий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Уларни ҳал этиш эса ҳаётий заруриятга айланмоқда. Шунинг учун ҳам барча босқичдаги юридик хизматларнинг бир маромда самарали фаолият кўрсатиши мўҳим аҳамият касб этди.

Бугунги кунда ҳаётимизга кириб келган янги иқтисодий муносабатлар негизини ташкил этувчи мулкчилик шакли ўзининг хилма-хиллиги билан ажраллиб туради. Конституцияимизнинг 53-моддасига мувофиқ давлат барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини қафолатлайди.

ЮРИДИК ХИЗМАТ — ДАВР ТАЛАБИ

ҳаларини тайёрлаш, сифатини яхшилашда юридик хизматнинг роли ва жавобгарлигини оширишга доир ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд.

Уларда бўлиглаб қўйилганидек, юридик хизмат бевосита давлат органининг раҳбарига бўйсунди ва ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, мамлакат Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари, ҳукумат қарорларига амал қилади. Юридик хизмати ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятида бевосита қатнашади. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тизимлаштирилган ҳисобини белгиланган талабларга мувофиқ юришти, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида қабул қилинаётган

ҳужжатларнинг мазмун ва моҳиятини тушунтириш, давлат органи ва унинг тизимига кирадиган бўлинмалар, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятида қонунийликни таъминлашга қўмақлашиш, шартномавий-ҳуқуқий ва талабнома-даъво ишларини юриштида қатнашиш, судларда ва бошқа идораларда давлат органининг мулкий ва бошқа манфаатларини ҳимоя қилиш каби вазифаларни бажаради. Бу эса юридик хизмат ходимидан катта масъулият ва жавобгарликни талаб этади.

Вазирлар Маҳкамаси қарори билан 2007 йил 22 ноябрда тасдиқланган «Юридик хизматлар ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларнинг малакасини ошириш тартиби тўғрисида»ги Низом соҳа ходимларининг билим ва тажрибасини сириш ва оширишда асос

Зоҳиджон КҮЧҚОРОВ,
Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси мутасаддиси



Оила — жамият таянчи. Ҳар томонлама соғлом авлод эса келажак пойдеворидир. Мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, оммавий спортни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмаётгани ҳам шу боисдандир.

тиб, кексалик гаштини сураётган отахону онахонлар ёшларга ҳаёт сабоқлари, ота-она қадри-қиммати ҳақидаги маслаҳатлари, фикр-мулоҳазаларини баён

оиласи забт этди. Бундан ташқари, «Энг аҳил оила», «Энг қувноқ оила», «Энг билимдон оила», «Ғолиблика интилувчи оила» каби номинацияларда ҳам соврин-

адабиёти ўқитувчиси Розия Тўхтаева. — Изланишга, фаолликка ундовчи бундай танловлар нафақат ёшларимизни, балки биз, катталарни ҳам масъулятни янада чуқурроқ англаган ҳолда тажриба орттиришга, замон талабиди мос илм-тарбия беришга ҳақиқатан.

Фаол ҳаёт кечираётган, фарзандларининг илм олиши, касб-хунар эгаллашига кўмак бераётган ота-оналар, спорт билан мунтазам шуғулланиб келаётган оилалар жамиятимизда кўп. Танлов эса, унинг ортдаги рағбат ҳам янада фаоллашишга, бундан-да юқори поғоналарни эгаллашга ундайди.

Шоира МУҲАМЕДОВА СУРАТЛАРДА: «Энг намунали спортчи оила» кўрик-танловининг шаҳар босқичидан лавҳалар Козим Ўлмасов олган суратлар

— Ўқувчим Малика Мирзаеванинг ғолиблар қаторида туриши мени ниҳоятда хурсанд қилди, — дейди 293-мактаб она тили ва

Танловлар

ЭНГ НАМУНАЛИ СПОРТЧИ ОИЛА

рида юқори кўрсаткичларга эришган 11 та намунали оила 60 метрга югуриш, узунликка сакраш, граната ва теннис коптогини улоқтириш, интеллектуал салоҳиятини намоён этишга қаратилган савол-жавоблардан иборат тўртта шарт бўйича билим ва зукколикни, иқтидор ва кўникмаларини намоён этиди.

Эътиборлиси, танлов давомида пиру бадавлат, турмушининг аччиқ-чучугини то-

етиб, тadbирга янада фойз бағишладилар.

Мусобақа давомида томошабинларнинг меҳрини қозонишга муваффақ бўлган Шайхонтоҳур туманидан Ҳамидулла ва Умида Йўлдошевлар оиласи гран-при мукофотига муносиб деб топилди. Шоҳсупа поғоналарини Мирзо Улуғбек туманидан Рамазонлар, Учтепа туманидан Зитляевлар ва Собир Раҳимов туманидан Аҳмедовлар

дорлар аниқланди. Тadbир доирасида мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Баркамол авлод — юрт таянчи» мавзусидаги иншолар танлови якуни ҳам чиқарилиб, ота-оналар, устозлар меҳнатлари ғолиблар чекрасидаги фахр туйғусида намоён бўлди.

— Ўқувчим Малика Мирзаеванинг ғолиблар қаторида туриши мени ниҳоятда хурсанд қилди, — дейди 293-мактаб она тили ва

Спорт янгилклари

МУҲИМ УЧ ОЧКО

Мамлакат XIX миллий чемпионати профессионал футбол лигаси жамоалари ўртасида уюштирилган тўққизинчи тур беллашувлари амалдаги чемпион «Бунёдкор»га муҳим уч очкони тўхфа этди.

Шуни таъкидлаш жоизки, Наманганда ўтказилган «Навбахор» — «Бунёдкор» учрашуви ушбу турнирнинг марказий баҳси эди. Чунки Наманганликлар ҳам жорий йилда Виктор Жалилов бош мураббийлигида совринли ўринлардан бирига даъвогарлик қилишмоқда. Шу босими, кўпчилик мутахассислар мухлислар ушбу баҳсга катта қизиқиш билан эътибор қаратишди, ҳатто айримлар «Бунёдкор» яна очко йўқотиши, дея таҳмин қилди. Бироқ аввалги учрашувларда йўл қўйилган камчилик ва хатолардан тўғри хулоса чиқарган Сколари шогирдлари майдонда ушқоқ ҳолда ҳаракат қилиб, сер-

мазмун ўйин намоён этиди. Тошкентлик футболчилар устунлиги остида ўтган беллашув 2:0 ҳисобида меҳмонларнинг галабаси билан якунланди. Дарвозага голларни Исмоилов ва Копадзе йўллади.

Қолган учрашувлар куйидагича якунланди: «Динамо» — «Нефтчи» — 3:1, «Кизилқум» — «Андижон» — 2:1, «Машъал» — «Локомотив» — 1:0, «Хоразм» — «Шўртан» — 0:2, «Олмалик» — «Насарф» — 0:0.

«Пахтакор» — «Металлург» жамоалари учрашуви билан тўққизинчи тур баҳслари якунланди.

Сабина Шарипова ва Неймат Шофайзиев Халқаро теннис федерацияси (ITF) мусобақалари тақвимида жой олган нуфузли турнирларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқда.

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ ҒОЛИБЛИКНИ КЎЗЛАМОҚДА

Индонезияда хотин-қизлар ўртасида ташкил этилган «Tanjung Selor» халқаро турнирида қатнашаётган Сабина Шарипова хитойлик Ван Тинг Люни 6:2, 6:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Чорак финал йўлланмаси учун ўтказилган беллашувда эса у иккинчи рақамда сараланган Айю Фани Дамаянти (Индонезия) устидан 5:7, 6:1, 6:2 ҳисобида зафар кўчди. Энди Сабина ярим финалга чиқиш учун Жанубий Корейядан келган Сун Хи Хан билан куч си-нашади.

Туркияда ўсмирлар ўртасидаги «Enka ITF Junior - 2010» турнирининг жуфтликлар баҳсида иштирок этаётган Неймат Шофайзиев покистонлик Самир Ифтихор билан ҳамкорликда меҳмонлар — Жон Алтинер ва Дурукан Дурмушни 7:6, 7:5 ҳисобида енгди. Н.Шофайзиев ва С.Ифтихор жуфтлиги чорак финалда Франция вакиллари — Александр Боттеон ва Валентин Масседан 6:4, 6:7, 10:3 ҳисобида устун келди.

«Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуасида бокс бўйича Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Сидней Жаксон хотирасига бағишлаб ўтказилаётган халқаро турнирда Ўзбекистон, Россия, Германия, Эрон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Хитой Тайпейидан юз нафардан зиёд боксчи иштирок этмоқда.

ХАЛҚАРО ТУРНИР БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Бокс федерацияси томонидан ташкил этилган мусобақа юртимизда боксчи ривожлантиришга катта ҳисса қўшган жонқуяр мураббий С.Жаксонни хотирлаш, спортчиларимизнинг халқаро тажрибаси, маҳорати ва малакасини ошириш, хорижлик чарм қўлқоп усталарини ўзбек бокс мактаби аъёналари, имкониятлари ва салоҳияти билан кенгрок таништириш мақсадида ташкил этилди.

Турнирнинг дастлабки кунинда ҳамюртларимиз - вази 49 килограммга бўлган боксчилардан Алишер Маҳмудов дастлабки жангини Диёрбек Қодировга қарши ўтказди ва рақибдан 10:2 ҳисобида устун келди.

52 килограмм вазн тоифасида

(ЎЗА)

Турфа олам

ОММАОП ТРАНСПОРТ ВОСИТАСИ

Велосипед Голландия ва Данияда энг оммабоп транспорт турига кириди. Норвеглар ҳақида гап кетганда улар гўё оёғида чангиси билан туғилади дейишса, голландлар ва данияликларни гўё велосипеди билан туғилади, дея таъриф беришади. Ҳозирги замон сайёҳларидан бири Голландияни куйидагича тасвирлайди: роҳиба аёллар ва руҳонийлар, почталон ва хизматчилар, ёшлар ва ўсмирлар, ажойиб шляпали аёллар, тўрвасига маҳсулотлар солинган уй бекаларининг барчаси велосипед миниб юрадилар.

ҚАЛАМПИРХЎР ҚИЗАЛОҚ

Ҳиндистоннинг Орисса штатидаги қишлоқларнинг бирида Гиннеснинг рекордлар китобига киришга ҳаракат қилаётган қизалоқлар яшайди. Уч ёшли Пунита ва бир ярим ёшли Туни ҳар кун ярим килограмдан аччиқ қалампир истеъмол қилади.

Ҳиндистонда қалампир ҳинд овқатларининг ажралмас қисми ҳисобланади. Қизалоқларнинг онаси Сасанк Сен қалампирни ўз ҳовлисида етиштиради. Унинг айтишича, қизлари аввалига бир кунда йигирматадан элликтагача қалампирни ея бошлаган. Бу уларнинг туғма қобилияти экан. Айни пайтда Сасанк хоним вақти келиб қизлари Гиннеснинг рекордлар китобига киритилишига умид билдирмоқда. Бироқ педиатрлар аччиқ қалампирни ҳаддан зиёд истеъмол қилиш болаларнинг организмга зарар эканини таъкидлаган.

АТЛАНТАНИ МАШҲУР ҚИЛГАН ИЧИМЛИК

Илгари Атлантани машҳур қилган нарса шу бўлганки, шу ерлик аптекачи XIX аср охирида салқин ичимлик — кока-колаи ихтиро қилган. Бу уддабурон корпорациянинг ҳозирги кунда ҳам Атлантада ўз қароргоҳи бор. Кейинги вақтда Атланта осмонўпар бинолар, кўплаб конгресслар ва фестиваллар шаҳрига айланди. Атланта аэропорти йўловчилар сонига кўра дунёда олдинги ўринларда туради.

КАРТОШКАНИНГ ВАТАНИ

Картошканинڭ ватани Перу тоғликларидир. Перу бозорларида картошка расталари ҳозирги вақтда ҳам картошклар ранги, катталиги, шаклининг хилма-хиллиги билан бу ерга келувчиларни ҳайратга солади.

ДУНЁ БЎЙИЧА БИРИНЧИ ЎРИНДА

Қадимги герман халқларига маълум бўлган пиво тайёрлаш ГФР ва Чехияда айниқса кенг тарқалган. Бу давлатларда пиво ҳақиқий миллий ичимликка айланган. Германия пиво тайёрлашда ишлатиладиган хмель ўсимлиги етиштириш бўйича дунёда биринчи ўринда туради. Бу давлат айни вақтда жон бошига пиво истеъмол қилишда (йилига 160 литр) ҳам дунё бўйича биринчи ўринни эгаллаган.

ХОМ ЕЙИШНИ АФЗАЛ КЎРАДИ

Японлар балиқ ва бошқа хил денгиз маҳсулотлари — саккизоёқлар, кальмарлар, моллюсклар, йирик қисқичбакаларни одатда хом ейишни афзал кўради. Ваҳоланки, япон пазандачилигида уларни қайнатиб, қовуриб ва бошқа хил пишириб тайёрлаш усуллари ҳам мавжуд.

Д. ҲАМИДОВА тайёрлади

Тошкент Темир йўл муҳандислари институти раҳбарияти ва жамоаси Фалсафа ва сиёсатшунослик кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди **Назира Азимова АЗИМОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинڭ ақинларига чуқур ҳамдардик билдиради.

Тошкент Темир йўл муҳандислари институти раҳбарияти ва жамоаси Информатика ва компьютер графика кафедраси муdiri профессор Холмат Шодиметовга волидаи муҳтарамаси **СУЛТОНБЕУ** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Олдинда — пойтахтликлар

«Универсал» саройида спортнинг энг гўзал ва нафис турларидан бири ҳисобланган бадий гимнастика бўйича уюштирилган Ўзбекистон очик чемпионати ҳамшаҳарларимизга омад келтирди.

Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридан қатнашган 86 нафар спортчи қизлар бадий гимнастиканинڭ кўпқураш, арғамчи, ҳалқа, тўп ва тасмада машқ бажариш йўналишларида ғолиблик учун мurosасиз кураш олиб борди. Шу ўринда бу қизларимизнинг 23 нафари спорт устаси, 63 нафари спорт усталигига номзод эканлигини инобатга олганда, юртимизда бадий гимнастиканинڭ тобора оммалашиб бораётгани аён бўлади.

Спорт усталигига номзодлар ўртасида ташкил этилган баҳсларда ҳамшаҳарларимиз Азиза Мамажонова, Валерия Давидова ва бухоролик Хусниёнону Фуломова энг кўп очколарни қўлга киритди. Спорт усталари ўртасида кечган кўп кураш, арғамчи, ҳалқа, тўп ва тасмада машқ бажаришда пойтахтлик Эвелина Калишер

биринчи, хоразмлик Элеонора Мухаммадиева иккинчи ўринларни эгаллашди.

Чемпионатнинг спорт усталигига номзодлар орасида ташкил этилган яқкалик баҳсларида коптоқда машқ бажаришда бухоролик Хусниёнону Фуломова биринчи, тошкентлик Майя Филиппова иккинчи, самарқандлик Алёна Ким учинчи ўрин соҳибаси бўлишди. Арғамчида машқ бажаришда ҳар унчада ўрин ҳамшаҳарларимиз — Валерия Давидова, Равила Фархутдинова ва Феруза Мўминоваларга насиб этди. Ҳалқада ҳам пойтахтликлар Равила Фархутдинова ва Майя Филипповалар биринчи, учинчи ўринларни эгаллашган бўлса, самарқандлик Мафтуна Шамсиевага иккинчи ўрин насиб этди.

Спорт усталари ўртасида арғамчида биринчи ўрин хоразмлик Элеонора Мухамма-

диевага насиб этди, ҳамшаҳарларимиз Эвелина Калишер ва Екатерина Коллас иккинчи ва учинчи ўринлар билан кифояланди. Ҳалқада ҳамшаҳаримиз Эвелина Калишер шоҳсупанинڭ энг юқори поғонасини эгаллади, иккинчи ва учинчи ўринлар бухоролик ва самарқандлик Замира Санакулова ва Людмила Повериноваларга насиб этди. Тўпда тошкентлик Комила Тўхтаева барчадан маҳоратли эканлигини исботлади, бухоролик ва навоийлик Замира Санакулова ва Феруза Аминова иккинчи ва учинчи ўринларни қўлга киритишди.

Тасмада эса ҳамшаҳаримиз Вероника Есипова, хоразмлик Манзура Ортикова, бухоролик Дарья Свечниковалар энг яхши ҳаракат қилган спортчилар деб эътироф этилди.

Умумжамоа ҳисобида ҳам энг яхши кўрсаткичга эга бўлган Тошкент шаҳри биринчи ўринни қўлга киритди. Самарқанд ва Бухоро вилояти жамоаларига эса кейинги поғоналардаги ўринлар насиб этди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот босқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3886 нусxada босилди. Қозғоқ бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтачиси»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишининг мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва сақланган.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.



Бош муҳаррир

Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100029,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар кўчаси, 32

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ